

“Ўзбек геология қидирув” акциядорлик жамияти
Ягона акциядорининг 1-сон
ҚАРОРИ

2023 йил 31 январ

Тошкент шаҳри

Ушбу қарор Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 58-моддаси, “Ўзбек геология қидирув” акциядорлик жамияти уставига асосан барча оддий акцияларнинг ягона акциядори бўлган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан қуйидаги масала юзасидан қабул қилинди:

“Ўзбек геология қидирув” акциядорлик жамияти Бошқарув раисини тайинлаш тўғрисида

Кун тартибидаги масала юзасидан:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2023 йил 31 январдаги 00/1-1022-сон топшириғига мувофиқ Давлат геология кўмитаси раиси ўринбосари лавозимида ишлаб келган Алимов Шамсиддин Пахритдиновични “Ўзбек геология қидирув” АЖ Бошқарув раиси лавозимида тайинлаш таклиф этилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59-моддасига ҳамда “Ўзбек геология қидирув” АЖ Уставининг 8.6-бандига асосан жамиятнинг ижроия органини шакллантириш ва унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ва раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколати доирасига кириши белгиланган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, “Ўзбек геология қидирув” АЖнинг Ягона акциядори қуйидагича **қарор қилади:**

1. “Ўзбек геология қидирув” АЖ бошқарув раиси Илхамов Мурод Ахтамович билан тузилган меҳнат шартномаси ўз ихтиёрига асосан бекор қилинсин.

2. “Ўзбек геология қидирув” АЖ Бошқарув раиси лавозимида Алимов Шамсиддин Пахритдинович тайинлансин.

3. Ушбу қарор ижросини таъминлаш “Ўзбек геология қидирув” АЖ Кузатув кенгаши раиси зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирининг биринчи
ўринбосари



О. Насритдинходжаев